
ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ВА ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ УЧУН ТЎПЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ “FORWARD GROUP” КОМПАНИЯСИ ФАРҒОНАДА ҲАМ НУФУЗЛИ МУСОБАҚАЛАРГА ФУТБОЛ ТЎПЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РЕЖАЛАШТИРМОҚДА

Бугун вилоят ҳокимининг ўринбосари - вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи Иқболжон Эргашев Покистондаги спорт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Forward Group” компанияси директори Ахтар Хважа бошчилигидаги ишбилармонларни қабул қилди.

“Adidas”, “Nike”, “Diadora”, “Star sports” ва бошқа брендлар учун спорт буюмлари ва футбол тўплари ишлаб чиқарувчи “Forward Group” компанияси Жаҳон чемпионати ва Чемпионлар Лигаси учун тўпларнинг расмий ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади. Шу маънода вилоятимизда юқори сифатли спорт тўпларини ишлаб чиқарувчи замонавий корхона очиш масаласи учрашувнинг асосий кун тартибини ташкил этди.

Режалаштирилаётган инвестицион лойиҳани тадбиркор Бахтиёр Тошпўлатов томонидан ташкил этилган, Фарғона шаҳрида 2010 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган тўп ишлаб чиқариш корхонаси негизида амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Учрашувда иштирок этган покистонлик яна бир тадбиркор – “Khawaja Cotton industries” компанияси директори Мужтаба Хважа ҳам Фарғона вилоятида режалаштирилаётган бир қатор лойиҳалари борлигини, ҳозирда текстиль-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар учун турли аксессуарлар ишлаб чиқариш лойиҳаси устида иш олиб борилаётганини маълум қилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-11-25 17:15:52